

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«МИЛЛИЙ ФОЯ, МАЊНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА  
ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ» КАФЕДРАСИ**

**ТАЛАПОВ БАҲРИДДИН АЛИЖАНОВИЧ**

**МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁЗИШ,  
РАСМИЙЛАШТИРИШ ҲАМДА ҲИМОЯ  
КИЛИШ**

(5A 111601 – Ижтимоий фанларни ўқитиши  
методикаси(мањнавият асослари)соҳасидаги магистратура  
мутахассисликлари учун)

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**НАМАНГАН - 2019**

**Магистрлик диссертациясини ёзиш, расмийлаштириш ҳамда химоя  
қилиш. Услубий қўлланма (5А 111601 – Ижтимоий фанларни  
ўқтиш методикаси(маънавият асослари)соҳасидаги  
магистратура мутахассисликлари учун)  
Талапов Б.А. - Наманган.:2019 й., 50 бет.**

Ушбу услубий қўлланма 5А 111601 – Ижтимоий фанларни ўқтиш методикаси(маънавият асослари)соҳасидаги мутахассисликлари учун мўлжалланган бўлиб, унда магистрантлар томонидан магистрлик диссертациясини ёзиш, расмийлаштириш ҳамда химоя қилиш тартиби белгилаб берилган.

Услубий қўлланма Наманган Давлат университетнинг илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган. 2019 йил № -сон мажлис баёни.

**НАМДУ 2019**

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи чақириқ IX сессиясида 1997 йил 29 август қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли ҳамда 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон қарорларида белгиланганидек, бугун магистратура аниқ ихтисослик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриатдан кейин унинг негизида таълим муддати камида бир йил давом этадиган олий таълимдир. Магистратура олий таълимнинг иккинчи босқичини ифода этади. Магистр даражасига эга бўлган мутахassis бошланғич илмий ходимга хос кўнишка, малакага эга бўлиши, илмий-тадқиқот ишларини олиб бора олиши, илмий ахборотларни қабул қилиш, қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни биладиган, чуқур билимли, юқори касбий мутахassisлик маданият соҳиби бўлмоғи керак.

Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади магистрларда илмий тадқиқот яратиш малакасини ҳосил қилишдан иборат. Магистрлар магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида ўқиши мобайнида олган билимларини умумлаштиришга, унинг натижаларини илмий равишда акс эттиришлари лозим. Магистрлик диссертацияси магистрларнинг дунёқарашлари, билим савиялари, илмий фикрларини ёзма нутқда саводли ифодалашларини тақозо этади. Магистрлик диссертациясида танланган мавзу бўйича муаммолар кўрсатилиб, унинг ечимлари таҳлил қилинган бўлиши керак. Шунинг учун барча магистрлар магистрлик диссертациясини

ёзишлари шарт.

Магистрлик диссертацияси илмий тадқиқот ишлари элементларини ўзлаштириш, фан соҳаси бўйича профессионал билим ва тайёргарликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга йўналтирилган мустақил илмий ишларидан бири ҳисобланади.

Магистрлик диссертацияси ёзиш жараёни магистрантларда илмий педагогик тафаккур негизи ҳамда ижодий қобилият ривожлантирилади. Магистрлик диссертациясини ёзишда магистрантлар мавжуд педагогик тажрибани умумлаштириш ва тизимлаштириш, илмий ва методик адабиётларни ўрганиш билан боғлиқ илмий ишларнинг малакасини ўзлаштириш, шунингдек, уларда ўрганилаётган илмий ва амалий маълумотларни таҳлил этиш ва танқидий баҳолаш қобилияти шакллантирилади.

Магистратурда таҳсил олувчи магистрантлар фанлар бўйича эгаллаган билим ва кўнималарини, муайян мавзулар доирасида уларда шаклланган мустақил фикр мулоҳазаларини билдириш ҳамда танлаган мавзуси бўйича назарий жиҳатдан асосланган хулоса ва амалий таклифларини баён этиши мақсадида магистрлик диссертациясини ёзиши ва уни ҳимоя қилишлари белгиланган.

Олий таълимнинг магистратура мутахассисликларида таҳсил олувчи талабалар магистрлик диссертациясини ёзиши ва ҳимоя қилишидан асосий кўзланган мақсад қуидагилардан иборатdir:

- танланган мавзунинг умумназарий асосларини чуқур тадқиқ этиш, шу мақсадда, илмий адабиётларни излаб топиш, улардаги зарурий маълумотларни жамлаган ҳолда маълумотлар базасини шакллантира олиш қобилиятини ривожлантириш;
- жамлаган маълумотлар базасини таҳлил этган ҳолда, илмий асосланган хулосаларни ишлаб чиқиш;
- мавзу юзасидан илғор хориж тажрибаларини ўрганиш, қиёсий таҳлил этиш ва илмий хулосаларни бериш;

- тадқиқот обьектига тегишли назарий ва амалий маълумотларни умумлаштириш ҳамда уларни иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланиш асосида тадқиқ этиш қобилиятини шакллантириш;
- таҳлил натижаларига асосланган ҳолда долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан магистрант томонидан илмий таклифлар бериш қобилиятини шакллантириш;
- магистрантда фан даражасига эга бўлиш учун тадқиқот олиб бориш жараёнига оид элементларни шакллантириш.

Магистратура мутахассисликларида таҳсил оловчи магистрантлар ўқиши давомида магистрлик диссертациясини тайёрлайди ва Давлат Аттестация Ҳайъати олдида ҳимоя қиласи.

Мазкур услугбий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилдаги ID-190 сонли “Олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори билан тасдиқланган “Янги таҳрирдаги магистратура тўғрисида Низом” талабалари асосида тайёрланди.

Ушбу услугбий қўлланма 5А 111601 – Ижтимоий фанларни ўқитиши методикаси (маънавият асослари) соҳасидаги магистратура мутахассисликлари учун мўлжалланган бўлиб, унда магистрлик диссертациясини тайёрлаш, расмийлаштириш ҳамда ҳимоя қилишни тартибга солишга хизмат қиласи, деган умиддамиз.

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

### **1.1. Магистр мутахассислигининг мақоми**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ривожланган демократик давлатлар даражасида, юқсак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратишидир.

Ушбу миллий тизимга мувофиқ магистратура олий таълимнинг муайян мутахассислик бўйича иккинчи босқичи бўлиб, бакалавриат ёки маҳсус олий таълим негизида амалга оширилади.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида камида 1 йил давом этадиган олий таълимдир.

Магистратура таълим дастурини тугатган битирувчиларга якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра таълим йўналишининг аниқ мутахассислиги бўйича "магистр" академик даражаси тўғрисидаги давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом берилади.

"Магистратура тўғрисида низом"га биноан магистр:

- танланган мутахассислик бўйича мустақил илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбга доир фаолиятини юритиш;
- тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича олий таълимдан кейин докторантурада таҳсил олиш;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълимини олиш учун тайёрланади.

Магистрларни тайёрлаш олий таълимнинг муайян мутахассисликлар бўйича аккредитация қилинган, юқори малакали кадрлари ва замонавий тадқиқот базаларига эга бўлган таълим муассасаларида амалга оширилади.

Таълим жараёнида давлат таълим стандартларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланган маълум ихтисослик дастури бўйича олган билим асосида илмий-тадқиқот ҳамда илмий-педагогик фаолиятнинг мустақил иш кўникмаларига ҳамда эгаллаган ихтисослик ёки унга яқин ихтисослик бўйича кейинги

босқичлар учун илмий-тадқиқот иши олиб боришни таъминлаш кўзда тутилади.

Университет магистратура мутахассисликларида таҳсил олувчи талабаларнинг хар ўқув йилининг апрель-май ойларида талабалар фаолиятининг самарадорлиги мониторинги ўтказилади.

Мониторинг жараёнида талабалар фаолияти қуйидаги мезонлар асосида таҳлил этилади:

а) магистратуранинг 1-курсида:

- иш режанинг мавжудлиги ва унинг расмийлаштирилиши;
- иш режасидаги топшириқларнинг муддатида бажарилганлиги;
- талабанинг битта илмий мақола ёки тезис чоп этганлиги;
- талабанинг илмий семинарларда иштирок этиши;
- талабанинг фанларни ўзлаштириш даражаси.

б) магистратуранинг 2-курсида:

- иш режасидаги топшириқларнинг муддатида бажарилганлиги;
- магистратурада ўқиши муддати давомида камида 2 та илмий мақола ёки тезис чоп этганлиги;
- диссертацияларнинг дастлабки ҳимояси ўтказилган тақдирда диссертациянинг дастлабки ҳимоядан муваффақиятли ўтганлиги;
- ўқув режасидаги барча фанларни ўзлаштирганлиги.

Магистр академик даражасига эга бўлган мутахассис илмий-тадқиқот услубиёти, илмий ахборотларни қайта ишлаш ва сақлаш бўйича замонавий технологияларни биладиган чукур билимли, юқори касбий кўникмага эга, ўткир зеҳнли шахс бўлмоғи зарур.

## **1.2. Магистрлик диссертацияларига қўйиладиган асосий талаблар**

Диссертация талабанинг таълим дастурларини ўзлаштиришни якунловчи ва ўқиши даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси хисобланади.

Магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида магистрант:

илмий изланишлар олиб бориши, касбий муаммоларни кўра олиши ва уларни ечишнинг умумий усуслари ва йўлларини ўрганиши;

- ўқув-тадқиқот давомида олинган ахборотларни матн ёки хужжатларни мужассамлантира олиши;

танланган мавзунинг долзарбилигини асослаши;

соҳа бўйича мавжуд муаммоларни илмий жиҳатдан тахлил қилиши;

мавжуд муаммоларни ҳал этиш услубларини кўриб чиқиши ва энг самаралисини аниқлаши;

энг самарали муқобил ечимни илмий жиҳатдан асослаб бериши;

илмий масала ечимининг натижалари бўйича хулосалар ва таклифларни шакллантириши ҳамда мафкура ва маънавият соҳасида, шунингдек ижтимоий фанларни ўқитишда қўллаш имкониятларини аниқлаши лозим.

Магистрлик диссертация ишининг мавзуси мутахассислик фани ривожланишининг замонавий даражасига ҳамда Наманган Давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мос келиши керак. Магистрлик диссертацияси мавзуси долзарб ва магистрант танлаган мутахассислик бўйича аниқ илмий, илмий-амалий масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак.

Диссертация иши магистрантнинг ўқиган тилида (кафедра ёки магистратура бўлими тавсиясига мувофиқ хорижий тилларда ҳам) ёзилиши мумкин. Хорижий тилда бажарилган илмий ишга давлат тилида аннотация илова этилади ҳамда диссертация ҳимояси таржима билан ўтказилади.

Магистрлик диссертациясидаги келтирилган тадқиқот хулосалари ва тавсия қилинган таклифлар муаллиф томонидан назарий жиҳатдан тўлиқ асосланганлиги яққол кўринадиган даражада диссертация тақдим этилади.

Магистрант томонидан олиб борилган тадқиқотнинг илмий ва илмий-амалий даражаси таълим дастурига жавоб бериши шарт. Тадқиқот ишининг бажарилиши давомида магистрант мустақил равишда илмий-амалий изланиш олиб боришига лаёқатлилиги, ўрганилаётган тадқиқот обьектидаги муаммоларни кўра олишга ўргангандиги, шунингдек, ушбу муаммоларни ҳал этишнинг умумий усусларни ўзлаштирганидан далолат бериши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, магистрлик диссертацияси магистрантнинг

илмий жиҳатдан етуклиги ҳамда танланган ихтисослиги бўйича чуқур касбий кўникуларни ва тайёргарликка эгалигини намоён қилиши зарур. Магистрлик диссертациясида ўрганиладиган масалаларнинг назарий жиҳатлари, аникланган муаммоларини, қўйилган илмий ва амалий вазифаларни таҳлил қилиш ҳамда муаммоларни ҳал этишни кўзлаган ҳолда бир-бирига мантиқий мос режа тузилади ва шу асосида ёзилади.

## **II. МАВЗУ ТАНЛАШ ВА МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ**

### **2.1. Мавзу танлаш ҳамда магистрлик диссертациясининг иш режасини тузиш ва тасдиқлатиши**

Магистратура мутахассислари бўйича магистрлик диссертацияси ёзиш учун тавсия этиладиган мавзулар мутахассислик фанининг долзарб масалаларига бағишлиланган бўлиши, асосан тадқиқот олиб бориш имкониятлари инобатга олиниши лозимдир. Магистрлик диссертацияларининг мавзулари кафедранинг профессор-ўқитувчилари таркиби, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси илмий муассасалари, тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари томонидан шакллантирилади. Мавзуларни ишлаб чиқишида мамлакатимиз маънавий ва мафкуравий ҳаётида ҳамда ижтимоий фанларни ўқитиш борасида илмий изланишлар ва янгиликлари ва жаҳон миқиёсида бу борада олиб борилаётган тадқиқотларни инобатга олиниши керак.

Магистрлик диссертациясининг мавзуси ҳар бир магистрант томонидан мутахассислик кафедраси томонидан тавсия этилган мавзулар рўйхатидан мустақил танлаб олинади. Бунда магистрант кафедра йиғилишида қатнашиб, танлаган мавзусининг долзарблиги ва тўпланган амалий тажрибаси, мавжуд муаммоларни аниклай олганлигини исботлаб бериши зарур.

Кафедра томонидан тақдим этилган ва факультет ўқув-методик кенгашида муҳокама қилинган магистратура талабаларининг магистрлик диссертациялари мавзулари ва уларнинг илмий раҳбарлари(илмий мслаҳатчилари) ўқув ишлари бўйича проректор тақдимномасига асосан магистратура талабалари ўқиётган биринчи ўқув йилининг биринчи икки

ойи ичида университет ректорининг буйруғи билан тасдиқланади

Диссертацияларнинг мавзулари олий таълим муассасасида шартнома ва лойиҳалар бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг бир қисми бўйича ҳам шакллантирилиши мумкин.

Диссертация мавзуси долзарб илмий-тадқиқот масалаларига ёки аниқ амалий вазифани ечишга бағишлиланган, шунингдек мутахассисликка мос бўлиши лозим.

Айрим ҳолларда, кафедра томонидан тавсия этилган мавзулар рўйхатидан ташқари ҳолатларда, магистрант ўзи танлаган тадқиқот мавзусини исботлаб берса, йиғилиш қарори билан рухсат берилади.

Диссертацияга илмий раҳбарлик олий таълим муассасаси профессори, фан доктори, доценти ёки фан номзоди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказлар олимлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилари томонидан амалга оширилади.

Диссертацияга талаба ўқиётган олий таълим муассасасидан бошқа ташкилотлардан илмий раҳбар тайинланган ҳолда, кафедра аъзоларидан бири кафедра мудири томонидан мазкур талабага илмий маслаҳатчи этиб тайинланади.

Илмий маслаҳатчи диссертацияни белгиланган талаблар бўйича бажарилиши учун илмий раҳбар билан бир хилда масъул ҳисобланади.

Битта профессор ёки фан доктори бештагача, шунингдек битта доцент, фан номзоди, мутахассис ёки амалиётчи учтагача диссертацияга раҳбарлик қилиши мумкин.

Диссертацияларнинг мавзулари тасдиқлангандан ва илмий раҳбарлар тайинлангандан сўнг 1 ой муддатда улар ҳақидаги маълумот талabalар фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда диссертация мавзулари қисқача мақсади ва вазифалари кўрсатилган ҳолда олий таълим муассасасининг расмий сайтида эълон қилинади.

Диссертация мавзуси ва илмий раҳбарнинг ўзгартирилиши талабанинг уларни ўзгартириш сабаблари асослантирилган ёзма аризаси асосида олий

университет ўқув-услубий кенгаши қарори билан амалга оширилади ва олий таълим муассасасининг ректори буйруғи билан янги диссертация мавзуси ва илмий раҳбар тайинланади.

Диссертация мавзусини ўзгартеришда илмий раҳбарнинг розилиги ҳисобга олинади.

Ўзгартирилган диссертация мавзуси ва илмий раҳбар тўғрисидаги маълумот 1 хафта муддатда талабалар фамилияси, исми, шарифи ҳамда диссертация мавзулари қисқача мақсади ва вазифалари қўрсатилган ҳолда олий таълим муассасасининг расмий сайтида эълон қилинади.

Тадқиқот мавзуси танлагач, магистрант илмий раҳбарнинг бевосита иштирокида диссертация ёзишнинг иш режасини ишлаб чиқади. Унда диссертация мавзусини танлашдан ҳимоягача бўлган босқичларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳамда уларнинг муддатлари ўз аксини топади.

Магистратурада талабанинг шахсий календарь иш режаси (2-илова) асосида таълим олишига магистратура бўлими бошлиғи, тегишли факультет декани ва кафедра мудири ҳамда илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) масъул ҳисобланади.

Иш режа ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, диссертацияни тайёрлаш, педагогик ва малакавий амалиёт фаолиятига оид таркибий қисмлардан иборат бўлади.

Илмий раҳбар билан биргалиқда ишлаб чиқилган ва тегишли кафедрада тасдиқланган иш режа магистратура бўлими тавсияси асосида олий таълим муассасасининг ўқув ишлари бўйича проректори томонидан тасдиқланади.

Магистр иш режанинг бажарилиши бўйича ҳар ойда кафедра иғифилишида расмий ҳисбот беради. Бунда магистрлар ҳисботини эшитиш жадвали тегишли кафедра томонидан ишлаб чиқилади ва магистратура бўлими билан келишган ҳолда тегишли факультет декани томонидан тасдиқланади.

Магистр илмий раҳбари иштирокида семестрлар якунида тегишли факультет кенгаши (ўқув-услубий кенгаш) ва магистратура бўлимига

диссертациянинг бажарилиш ҳолати, илмий, услугий мақолалар тайёрланиши, ўтказилган ижодий ишлар ва бошқалар ҳақида ёзма ҳисобот тақдим этади.

Магистр томонидан иш режасини тизимли равишда бузилиши ва магистр айби билан диссертациянинг ўз вақтида бажарилмаслиги ҳолатларида илмий раҳбар талабага илмий раҳбарлик қилишдан воз кечиши ва уни дастлабки ҳимояга тавсия этмаслиги мумкин.

Магистрантнинг илмий раҳбар билан маслаҳатлашувлари аввалдан белгиланган кунлар ва соатларда мунтазам равишда ўтказиб борилади. Маслаҳатлар вақтида магистрант томонидан диссертация иши режасининг бажарилиши кўриб чиқилади ва диссертация ишининг бориши муҳокама қилинади. Мазкур муҳокамаларнинг натижалари магистрантнинг вақтини тўғри тақсимлаш ва диссертацияни тайёрлаш ҳамда ёзишни тезлаштиришга йўналтирилиши керак.

Илмий раҳбарнинг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- тадқиқот мавзуси доирасида юзага келиши мумкин бўлган масалалар бўйича тизимли равишда ёрдам бериш мақсадида маслаҳат жадвалларини тузиш;
- тадқиқот усусларини танлашда иштирок этиш ва уларни тадқиқот ишида қўллашда магистратура талабасига кўмаклашиш;
- магистратура талабасининг белгиланган календарь иш режаси бўйича ишларнинг бажарилишинини ва магистрлик диссертацияси ўз вақтида тайёрланишини назорат қилиш;
- дастлабки ҳимоягача магистрлик диссертациясига хulosса бериш.

Хulosса қилиб айтганда, илмий раҳбар магистрантга илмий ва услугий ёрдам кўрсатиб туради. Ишнинг ниҳоясига етказилиши устидан мунтазам назорат олиб боради. Шунингдек, айрим ҳолларда маълум ўзгартиришлар киритади, у ёки бу қарорни қабул қилишининг мақсадга мувофиқлигини тасдиқлади ҳамда ишнинг якунига етказилганлиги тўғрисида хulosса беради. Илмий тадқиқотнинг бажарилиши устидан доимий назорат қилиш кафедра мудири томонидан амалга оширилади.

## **2.2. Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши ва мазмуни**

Магистрлик диссертацияси нафақат назарий аҳамияти, мавзусининг долзарблиги ва эришилган натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, балки диссертациянинг услугий тайёргарлик даражаси ҳамда расмийлаштирилишига қараб баҳоланади. Магистрант диссертацияни ишини ёзиш жараёнида қўйилган бўлимларнинг ўзаро назарий, амалий ва мантиқан алоқадорлигини таъминлаши муҳимдир. Шу билан биргалиқда маълумотларни жойлаштириш жараёнида мантиқий изчилликни таъминлаш тадқиқот ишининг илмий савияси ошишида муҳим ўринга эгадир. Диссертациянинг таркибий тузилишини тўғри белгилаш, унинг мақсад ва вазифаларини аниқ танлаш, шунингдек, диссертацияни тайёрлаш босқичларини изчиллик билан амалга ошириш, мазкур фаолиятнинг муваффақиятини таъминлайди Диссертациянинг таркибий тузилишини мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиқилиши магистрантга изланишнинг олдига қўйилган мақсад ҳамда натижаларини тўғри ифодалаш, фикрларни баён этиш услублари ва диссертацияни тайёрлаш босқичларини ажратиш имконини беради. Маълумотларни бир тизимга солиш жараёнида бўлимларнинг бевосита алоқадорлиги, шунингдек, амалга оширилган таҳлил объектларининг ўзаро боғликлиги муҳимдир. Диссертациянинг маълумотлар базасини шакллантиришда танланган мавзу муаммолари бўйича бевосита тегишли манбалар, адабиётлар, даврий нашрлар ва статистик маълумотларни ўрганиш тавсия этилади. Чунки, мазкур холат маълумотларни тизимлаштириш жараёнида қулайлик яратади.

Диссертациянинг таркибий тузилиши тўғри белгиланиши тадқиқотнинг бўлимлари, ўрганилаётган материаллар, хulosалар, тавсия ва изланишнинг якуний қисмлари мазмунининг мантиқий жиҳатдан ўзаро боғланишига имкон яратади.

**Диссертация қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим:**

- диссертациянинг титул вараги;
- икки тилдаги (ўқитиш тили ва инглиз тилида) диссертациянинг

қисқача аннотацияси;

мундарижа;

- кириш(2-4%);
- адабиётлар шархи(15-20%);
- асосий қисм(70-80%);
- хулоса(5-6%);

фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

- иловалар (агар мавжуд бўлса).

Диссертациянинг титул вараги, аннотацияси, мундарижаси ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатининг намунавий шакли 3-5-иловаларда келтирилган.

Магистрант тайёрланган диссертацияда илмий-амалий манбаларни матн ва кўргазмали шаклда келтириш орқали у ёки бу муаммонинг ечими ҳамда назарий таклифларни илмий-амалий аҳамиятини асослайди. Диссертацияда келтирилган матн ва кўргазмали материал мазмунининг моҳияти ҳамда ҳажми танланган мавзунинг мутахассислигига мослиги «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» кафедраси томонидан аниқланади ва бу ҳақда йиғилиш баённомасидан кўчирма берилади.

Магистрант томонидан танланган диссертация мавзуси бўйича ўқув-услубий ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганади ҳамда мавзу доирасида маълумотлар базасини шакллантиради. Ушбу жараёнда магистрантга танланган мавзу объектига тегишли дарслик, ўқув қўлланмалар, илмий монография ва мақолалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан яқиндан танишиш тавсия қилинади. Маълумотлар базасини шакллантириш жараёнида ўрганиладиган материалларни қўйидагича гурӯхлаш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари;
2. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг асарлари ва рисолалари;
3. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органларининг меъёрий ҳужжатлари;
4. Дарслик, монография, ўқув ва услубий қўлланмалар;

5. Мавзуга оид журнал ва газеталарда чоп этилган мақолалар;

6. Интернет сахифаларидағи расмий маълумотлар.

Магистрант томонидан шакллантирилган маълумотлар базаси таҳлил қилинади ҳамда диссертацияни ёзиш давомида фойдаланиладиган қисми алоҳида ажратиб олинади. Магистрантнинг мавзууни қанчалик чуқур ёритиши ва мазмунини бойитиши ўзи танлаган мавзуси бўйича маълумот манбаларидан хабардорлик даражасига бевосита боғлиқ.

Диссертация бўйича маълумотлар базасини шакллантириш жараёнида магистрантнинг адабиётлар билан ишлаш, зарурий маълумотларни ўзлаштириш бўйича кўникмалари янада мустаҳкамланади. Мазкур жараёнда магистрант мавзуга оид маълумотларни излаш, уларни ўрганиш ва ҳар бир маълумот бўйича шахсий мулоҳазаларини бериши истиқболда бажариладиган илмий ишларни тайёрлашда ёрдам беради.

Магистрант адабиётларда келтирилган маълумотларни чуқур таҳлил қила олиши, бевосита мавзу объектига тегишли бўлганини олиши, илмий асослаши ҳамда фикр мулоҳазаларини тақдим этиши мақсадга мувофиқдир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, адабиётлардан олинган фикрлар ва маълумотларнинг манбаси диссертацияда тўлиқ, белгиланган талабларга асосан келтирилиши лозим. Тўпланган барча илмий-назарий манбалар ўрганилиб, диссертациянинг I боби (назарий қисми)да илмий мушохада шаклида келтирилиши ишнинг яна мазмунли бажаришга имкон яратади.

Титул варағи бажарилган диссертациянинг биринчи бети ҳисобланади ва белгиланган қатъий намуна асосида расмийлаштирилади (4-илова). Диссертациянинг иккинчи бети мундарижа ҳисобланади. Унда диссертациянинг таркибий тузилишидаги боблар, параграфлар ва барча бошқа қисмлар ва уларнинг сахифа рақамлари кўрсатилади. Бунда мундариждаги сарлавҳаларнинг асосий матндаги сарлавҳалар билан бир хиллиги қатъий таъминланиши шарт.

Диссертациянинг кириш қисми - ишининг бошланғич қисми бўлиб, ишнинг асосий маъносини қисқача баён қилиш ва мавзу долзарблигини асослаш учун хизмат қиласи. Диссертациянинг **кириш қисмидаги** мавзунинг

долзарбилигини асословчи мулоҳаза, таҳлиллар, диссертацияни ёзиш жараёнида тадқиқ этиладиган муаммолар, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, изланиш обьекти ҳамда унинг амалий аҳамияти акс эттирилади. Диссертациянинг кириш қисми қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги;
- тадқиқот обьекти ва предметининг белгиланиши;
- тадқиқот мақсади ва вазифалари;
- тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари;
- мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили;
- тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи;
- тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти;
- тадқиқотнинг илмий янгилиги;
- диссертация таркибининг қисқача тавсифи.

Диссертациянинг асосий қисми камида З бобдан иборат бўлиб, бунда тадқиқот масалалари тўлиқ ёритилиши лозим.

Асосий қисмнинг боблари ҳажм жиҳатидан ўзаро мутаносиб бўлиши ва қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- тадқиқот мавзуси бўйича бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлилини;
- талаба томонидан олиб борилган таҳлилий ишларнинг тавсифи, тадқиқот олиб боришда қўлланилган услублар ҳамда тадқиқот воситаларининг баёнини;
- диссертацияда талабанинг таълим, фан, маданият, маънавият, ижтимоий ёки бошқа соҳаларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қўшган шахсий ҳиссасини;
- тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамасини.

Шунингдек, магистрлик диссертациясида ҳар бир бобдан сўнг мазкур боб тадқиқотлари юзасидан илмий хуносалар шакллантирилиши лозим.

Диссертациянинг хуноса қисмida барча қисмларда баён этилган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот муаммосининг ечими кўрсатилиши лозим. Ушбу қисм 4 бетдан ошмаслиги керак.

Диссертациянинг илова қисмига унинг мазмун моҳиятини тушуниш учун зарур бўлмаган, қўшимча сифатида қаралувчи маълумотлар киритилади. Бунда илованинг ҳажми диссертация умумий ҳажмининг 1/3 қисмидан ошмаслиги лозим.

Диссертацияда талабалар профессионал этика қоидаларини бузилишига (плагиат, маълумотларни сохталашибдириш ҳамда ёлғон цитата келтириш) йўл қўймасликлари лозим.

- Диссертациянинг **биринчи боби** танланган мавзунинг назарий жиҳатлари илмий мушоҳада асосида ёритилади. Тадқиқот олиб борилаётган объектнинг қисқача тавсифи келтирилади.

**Иккинчи ва учинчи бобларида** ўрганилаётган мавзунинг асосий назарий жиҳатлари, соҳадаги муаммолар таҳлил қилинади, ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф қилишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар асосланилиши зарур. Тадқиқот жараёнида таҳлил қилинган маълумотлар магистрантга ечимини кутаётган муаммо ва масалаларни аниқлаш ҳамда умумий хулоса чиқариш имкониятини яратади.

Хулоса қисмida магистрант диссертациянинг асосий қисмida келтирилган назарий исботлар ва қарорларнинг энг муҳим аҳамиятга эгаларини ёритади. Диссертациянинг мазмuni ва матнида ёзилган таклиф ҳамда тавсияларни хулосага олиб чиқиши керак. Шунинг таркибида бўлмаган ёки мавзуга алоқаси бўлмаган нарсаларни ёзиш мақсадга мувофиқ эмас.

Магистрлик диссертацияси мазмунига кўра қўйидаги масалаларни қамраб олиши керак:

-танланган мавзунинг умумназарий аҳамияти, долзарблиги ва уни амалиётга қўллаш;

-мавзуга доир долзарб муаммолар, уларнинг мавзуга оид й адабиётларда ифодаланиши ва илмий тадқиқот натижалари орқали амалий ҳал қилиш йўлларини бериш;

-тадқиқот обьектларидаги мавжуд ҳолатларни таҳлил этиш, баҳолаш ва таҳлил натижалари юзасидан илмий хулосаларни шакллантириш;

- тадқиқот юзасидан шакллантирилган илмий таклиф ва амалий

тавсияларни илмий жиҳатдан асослаш.

### **III. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА ҚҮЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблардан бири уни белгиланган қоидалар асосида тўғри расмийлаштириш хисобланади. Чунки ишни тўғри расмийлаштириш унинг сифатини оширибина қолмай, балки муваффақиятликни ҳам таъминлайди. Магистрлик диссертацияси мустақил илмий иш бўлгани сабабли, уни ёзиш ва расмийлаштириш жараёни фан даражаси олиш учун тадқиқот ишини ёзиш қоидаларига мос келиши керак.

Диссертациянинг тузилмаси мавзунинг мазмунини тўлиқ ёритишга қаратилиши керак: Матнда кетма-кетлик бузилмаслиги керак, изчиликка риоя қилиниши шарт. Матнда янги фикрни ифодаландиган жумлалар абзацдан ёзилади. Тугатилмаган қисмлар бошқа бетларга ўтказилмайди. Агар бирор манбалардан мисоллар келтирилса, албатта улар манбадан олганлиги саҳифанинг энг пастида чизиқ тагида сатр бошидан ёзилади. (изоҳлар). Агар бир нечта манба келтирилса, изоҳлар тартиб рақами билан кўрсатилади.

Магистрант диссертацияни ёзишда, энг аввало асосий эътиборни тадқиқот ишининг таркибий тузилишида мавзунинг мазмун-моҳияти ва мақсадини ёритишга қаратиши лозим. Бунда, диссертация боболарининг ўзаро мантикий изчиллигини бузадиган, тадқиқотнинг обьектига бевосита тааллуқли бўлмаган маълумотларни киритмаслик лозим. Баъзи ҳолатларда тадқиқот ишида йирик ҳажмдаги хужжат ёки статистик маълумотлардан фойдаланишга тўғри келади, ушбу ҳолатда мазкур маълумотларни илова шаклида бериш тавсия этилади. Чунки, иловалар тадқиқот ишининг белгиланган ҳажмига кирмайди.

Диссертацияда янги фикрларни ифодалайдиган жумлаларни хат бошидан ёзиш лозим. Диссертация матнида хорижий тилдаги сўзлар, атамалар, хусусан, корпорациялар, банклар, рейтинг агентликлари, халқаро ташкилотлар ва бошқаларнинг номлари киритилса, уларни асл ҳолатида тўлалигича ёзиш лозим.

Диссертация боблари ва параграфларининг номланиши бош ҳарф билан ёзилади. Диссертация боблари рим рақами билан параграфлари эса араб рақамлари билан белгиланади. Масалан, I, II, III-боб, 1.1, 1.2, 2.1, 2.2-параграф кўринишида. Асосий қисм ичидаги боблар ва параграфлар сарлавҳаларини ёзишда бўғин кўчиришга рухсат берилмайди ҳамда сарлавҳа охирида нуқта қўйилмайди. Диссертациянинг ҳар бир боби янги бетдан ёзилади. Диссертациянинг боблари ва параграфларининг номи алоҳида, асосий матндан ажратиб ёзилиши керак.

Кириш, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати бошланишида рақам қўйилмайди. Кириш, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати бир хилда, варакнинг юқори қисмининг ўртасига ёзиш тавсия этилади.

Диссертация қоида тариқасида, стандарт варақда 1,5 қатор оралиғида ёзилиши лозим, ҳар бир бет ҳошияси: юқоридан, пастдан ва ўнгдан 2 см, чапдан 3 см бўлиши, хатбоши беш ёки олти белгига teng ва бир хилда бўлиши лозим (6-илова).

Диссертация матнини компьютер воситасида босиб чиқаришда «Times Roman» 14 ўлчамли шрифтидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Диссертациянинг ҳажми титул вараг, мундарижа, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 80 бетдан ошмаслиги лозим.

Диссертация талаба ўқиган тилда (кафедра ёки магистратура бўлими тавсиясига мувофиқ чет тилда ҳам) ёзилиши мумкин. Чет тилда бажарилган диссертацияга давлат тилида аннотация илова этилади ҳамда дастлабки ва расмий химоялар таржима билан ўтказилади.

Магистратура мутахассислиги хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда диссертация таркибий қисмларининг мазмуни ва ҳажми ўзгартирилиши ва кенгайтирилиши мумкин.

Диссертациянинг титул **варағини** «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳукуқ таълими» кафедрасида қабул қилинган намунага мос равишда расмийлаштириш талаб этилади (4-илова).

Магистрлик диссертациясига ички ва ташқи ҳамда илмий раҳбар тақризи талаб этилади. Тақризларда қуидагилар ёритилиши лозим: **Илмий раҳбар тақризида:**

- а) диссертация мавзусининг долзарблиги;
- б) диссертация мавзусининг тадқиқот объекти билан боғлиқлик даражаси;
- в) белгиланган мақсад ва вазифалар қай даражада ёритилганлиги;
- г) тадқиқотнинг илмий янгилиги;
- д) тадқиқот натижаларининг илмий асосланганлиги;
- е) изланиш натижаларидаги хулоса ва таклифларнинг сифати;
- з) магистрлик диссертациясига қўйиладиган талаб ва ихтисосликка мослигини акс эттириш зарур.

**Ички ва ташқи тақризларда:**

- а) мавзунинг долзарблиги;
- б) диссертациянинг илмий янгилиги ва илмий-амалий натижаларининг асосланганлиги;
- в) тадқиқотнинг амалий аҳамияти;
- г) тадқиқотнинг мазмуни ҳамда тугалланганлик даражаси;
- д) маълумотлар ва матнни баён этиш тили ҳамда услуби;
- е) тадқиқотнинг илмий-амалий қиймати;
- з) диссертациянинг магистрлик диссертациясига қўйиладиган талаблар ва ихтисослик йўналишига мослиги ёритилиши керак.

Ички ва ташқи тақризчиларни олий таълим муассасасининг тегишли кафедраси тавсия этади ва уларнинг рўйхати олий таълим муассасасининг илмий ишлар бўйича проректори томонидан тасдиқланади.

Тақризчилар вазифаларига қуйидагилар киради:

- тақриз ёзиш учун унга тақдим этилган диссертацияда профессионал этика қоидаларининг бузилиш ҳолатларини (плагиат, маълумотларни сохталашибтириш ҳамда ёлғон цитата келтириш) аниқлаш ва диссертациянинг долзарблиги, илмийлиги ва якунланганлиги ҳақида хулосалар бериш;
- белгиланган дастлабки ҳимоя санасидан камида 3 кун олдин диссертацияга ёзма тақриз бериш.

Тақризчи диссертацияда талаба томонидан профессионал этика қоидалари бузилганлигини (плагиат, маълумотларни сохталашибтириш ҳамда ёлғон цитата келтириш) аниқлаган тақдирда, мазкур қоида бузилишларини қисқа муддатда тузатиш имконияти мавжуд бўлмаса, мазкур диссертацияни

дастлабки ҳимояга тавсия этмаслик ҳақида тақриз беради.

Диссертация матнидаги манбаларга ҳавола (сноска)ларни сатр ости эслатмаларида келтириш лозим. Ҳаволалар (сноска) саҳифанинг энг пастки қисмига чизик тортиб, сатр бошидан 10 шрифтда ёзилади. Ҳаволалар ҳар бир бетда араб рақамида кетма-кет тартиб билан келтирилиши лозим. Ҳаволаларнинг матнидаги рақам белгиси агар ҳавола айrim сўзгагина тегишли бўлса, бевосита шу сўздан кейинги, агар бутун гапга тегишли бўлса, гап охирида кўрсатилади.

Диссертацияда магистрант қўйидаги ҳолатларда ҳавола келтириши лозим:

- давлат арбоблари, олимлар ва мутахассислар фикрларидан иқтибос келтирилганда;
- диссертацияда фойдаланилган кўрсаткичларга иқтибос келтирилганда;
- адабиётлардан ва бошқа манбалардан иқтибос келтирилганда;
- хорижий адабиётлар ва бирламчи манбалар бўйича иқтибос келтирилганда;
- статистик маълумотлар ва тўпламлардан иқтибос келтирилганда;
- меъёрий-хуқуқий ҳужжатлардан иқтибос келтирилганда;
- расмий интернет сайтларидан иқтибос келтирилганда ва бошқа ҳолатларда.

Шунингдек, диссертацияда маълумотлар илова қилиниш зарурияти туғилса, уларни диссертациянинг охирига жойлапгириш лозим. Ҳар бир илова янги бетнинг ўнг юқори бурчагида "Илова" сўзи билан бошланади. Агар диссертацияда биттадан кўп иловалар мавжуд бўлса, у ҳолда уларни кетма-кет тарзда араб рақамлари билан рақамлаш лозим. Масалан, "1-илова", "2-илова" ва х.к.

#### **IV. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР РЎЙХАТИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Магистрлик диссертациясининг якунида магистрант томонидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати кўрсатилади. Фойдаланилган адабиётлар

рўйхати қисмида хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, журналлар ва интернет сайтлари акс эттирилади. Бунда адабиётларнинг тўлиқ маълумот кўрсаткичлари (нашриёт номи ва йили, х.к.) келтирилиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.
  - II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.
  - III. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг асарлари
  - IV. Асосий адабиётлар
  - V. Қўшимча адабиётлар
  - VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар
  - VII. Интернет сайtlари
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати боблар бўйича келтирилади ва ундаги келтирилган манбалар бобдан бобга ўтишда кетма-кетлигини йўқотмаган ҳолда рақамланади.

### **Адабиётлар қўйидаги тарзда расмийлаштирилади:**

#### **Норматив-хуқуқий ҳужжатлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2003.- 32 б.
- 2."Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" (янги тахрири). Ўзбекистон Республикасининг қонуни -Т.: Адолат, 1998. - 31 б.
- 3."Давлат тили ҳакида"ги (янги тахрири). Ўзбекистон Республикасининг қонуни.-Т.: Ўзбекистон, 1997.- 22 б.

### **Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли // Ҳалқ сўзи. – 2017 йил, 22 апрель.

## **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.:Ўзбекистон, 2016.-56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қурамиз. Т.: Ўзбекистон, 20\_\_ -484 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрга тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т.: 20\_\_. 28 б.

### **Дарслик ва ўқув қўлланмалар:**

2.20. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 80 б.

### **Илмий журналлардаги мақолалар:**

1. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон банк тизими барқарор ривожланиш йўлида // Бозор, пул ва кредит - Тошкент, 2009. - №8 - Б. 6-10.

### **Интернет сайтлари қуйидаги тартибда келтирилади:**

#### **Elektron ta'lim resurslari:**

1. Xalq so'zi gazetasi – [www.infoXS.Uz](http://www.infoXS.Uz)
2. Turkiston gazetasi – [www.turkistonsarkor.uz](http://www.turkistonsarkor.uz)
3. Ma'rifat jurnali – [www.ma'rifat-inform.uz](http://www.ma'rifat-inform.uz)
4. Jamiyat va boshqaruv jurnali – [www.rzultacademyfreenet.uz](http://www.rzultacademyfreenet.uz)
5. Moziydan sado jurnali – [www.moziy.dostlink.net](http://www.moziy.dostlink.net)
6. Tashqi ishlar vazirligi – [www.mfa.uz](http://www.mfa.uz)
7. Ziyonet – [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## **V. ДИССЕРТАЦИЯДА КЕЛТИРИЛГАН ЖАДВАЛЛАР ВА ЧИЗМАЛАРНИНГ РАСМИЙЛАШТИРИЛИШ ТАРТИБИ**

